

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ (ХОДИМЛАРИ)НИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

Замонбеков Умидбек Авазбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19502061>

Аннотация. Мазкур мақолада жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш учун хизматга жалб этилаётган Миллий гвардия ҳарбий хизматчи (ходимлар)нинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириши, уларни фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишида етарли ҳуқуқий билимга эга бўлишиги, уларни доимий равишда ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириб бориши зарурати ва Ўзбекистонда ушбу илгор тажрибаларни татбиқ қилиши бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, профилактик тадбирлар, ижтимоий профилактика, жамоат хавфсизлиги, юридик маданият, хориж тажрибаси, ҳуқуқий билим.

НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ (СОТРУДНИКОВ) НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ.

Аннотация. В данной статье разработаны научные предложения по повышению правового сознания и правовой культуры военнослужащих (сотрудников) Национальной гвардии, привлекаемых к обеспечению общественной безопасности и порядка, формированию у них достаточных правовых знаний для защиты прав и законных интересов граждан, а также по необходимости постоянного повышения их правового сознания и правовой культуры и внедрению передового опыта в Узбекистане.

Ключевые слова: Правовое сознание, правовая культура, профилактические мероприятия, социальная профилактика, общественная безопасность, юридическая культура, зарубежный опыт, правовые знания.

THE NEED TO ENHANCE THE LEGAL AWARENESS AND LEGAL CULTURE OF SERVICEMEN (EMPLOYEES) OF THE NATIONAL GUARD IN ENSURING PUBLIC SAFETY

Abstract. This article develops scientific proposals aimed at enhancing the legal awareness and legal culture of servicemen (employees) of the National Guard involved in ensuring public safety and order, equipping them with sufficient legal knowledge to protect the rights and legitimate interests of citizens, as well as emphasizing the need for the continuous improvement of their legal awareness and legal culture and the implementation of advanced practices in Uzbekistan

Keywords: Legal awareness, legal culture, preventive measures, social prevention, public safety, legal culture, foreign experience, legal knowledge.

XXI асрда кучайиб бораётган таҳдидларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, Ўзбекистонда турли хил аксилижтимоий бузгунчи хатти-ҳаракатларнинг кенг тарқалиши, “оммавийлашуви”, жамиятда маънавиятнинг пасайиши, ахлоқнинг таназзулга учраши қонунларнинг бузилишини ижтимоий норма сифатида эътироф этиш, барча

ижтимоий муаммолар ичидан фақат тирикчилик масалаларига урғу бериш оқибатида, шахс салбий ривожига таъсир қилиб, гиёҳвандлик, алкоголизмга берилишига етаклайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 27-моддасида: “Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самарасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга...; Ҳар бир инсон, у муаллифи бўлган илмий, адабий ёки санъат асарларининг натижасида ўзининг маънавий ва моддий манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга” дейилади¹.

“Давлат хавфсизлиги” тушунчасини тор маънода талкин қилмаслик ва унга кенг кўламли жиҳатларни киритишга чақираётган олимларнинг фикрига қўшилишимиз керак.

Масалан, А.В.Володин таъкидлашича: “Совет даврида “давлат хавфсизлиги” ибораси, асосан секкуритологик йўналишда, Совет ҳокимиятига ташқи ва ички таҳдидларга қарши туриш нуқтаи назаридан, “миллий хавфсизлик ва мудофаа” замирида ишлатилган”. Айнан шу маънода 1934-йил июль ойида “давлат хавфсизлиги” атамаси қонунчилик томонидан тан олинган. Ўшандан бери мамлакатимизда узоқ вақт давомида хавфсизлик ташқи ҳарбий хавф ва таҳдидларга қарши туриш (ҳарбий хавфсизлик), шунингдек, хорижий давлатларнинг разведка ва қўпоровчилик фаолиятига қарши туриш (давлат хавфсизлиги) ҳақида гапириб келинмоқда”. Бироқ, бугунги кунда “давлат хавфсизлиги” тушунчасининг кўлами, жумладан, маданий ва ҳуқуқий жиҳатлари туфайли кенгайиб бормоқда².

Совет даврида “давлат хавфсизлиги” асосан ташқи ва ички таҳдидларга қарши мудофаа нуқтаи назаридан тушунилан. А.В.Володиннинг таъкидлашича, бу тушунча кўпроқ ҳарбий ва разведка соҳаларига қаратилган эди.

Сўнги йилларда жамиятимизда рўй бераётган объектив ўзгаришлар, янги (*ижтимоий, иқтисодий, техник, ахборот ва ҳоказо*) воқеликнинг пайдо бўлиши касбий фаолият ва касбий маҳорат ҳақидаги қарашларга таъсир этмай қола олмади.

2007-йилда АҚШнинг Ички хавфсизлик бўйича Миллий стратегиясида “Америка Қўшма Штатларида Ҳукумат ва хусусий секторни Интернетда ҳимоя қилиш” бўйича алоҳида бўлим киритилган бўлиб, унда Интернетни террористлардан ҳимоя қилиш ҳамда Интернетда “ушбу бутунжаҳон ёвузлигига қарши кураш” зарурлиги қайд этилган³.

2015-йил июнь ойида 2002-йилда қабул қилинган “Ички хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунга (*An Act to establish the Department of Homeland Security, and for other purposes*) 2899-сон ўзгартириш (*A Bill to amend the Homeland Security Act of 2002 to authorize the Office for Countering Violent Extremism*) киритилди. Ушбу тузатиш асосида “зўрлик ишлатиладиган экстремизм” (“*violent extremism*”), яъни мафкуравий асосланган террорчилик фаолияти тушунчаси қатъий белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур тузатиш асосида АҚШ Ички хавфсизлик департаментида (*The United States Department of Homeland Security*) зўрлик ишлатиладиган экстремизмга қарши кураш бўйича махсус бошқарма ташкил этилди⁴.

¹Qarang: 10.12.1948. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi. <https://lex.uz/docs/-7338189>

² Лучин В.О., Эбзеев Б.С., Хазов Е.Н., Белоновский В.Н., Эриашвили Н.Д., Чихладзе Л.Т., Пряхина Т.М., Зинченко Е.Ю., Опалева А.А., Осавелюк А.М., Чепурнова Н.М., Зиборов О.В., Прудников А.С., Харламов С.О., Егоров С.А., Кикоть-Глуходедова Т.В., Миронов А.Л., Саудаханов М.В., Чертова Н.А., Булавин С.П. и др. Конституционное право России. Москва, 2019. (10-е издание, переработанное и дополненное)

³ Гусев А.В. Зарубежный опыт борьбы с преступлениями в сфере Интернета // www.pavo.by – Национальный центр правовой информации Республики Беларусь.

⁴ Мельшина К.Ю. Международно-правовые средства борьбы с экстремизмом: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РУДН, 2018. – С.161.

2007-йилда Туркиянинг терроризмга қарши кураш соҳасида янги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда терроризм деб баҳоланадиган анъанавий жиноятлар билан бир қаторда, фоҳишалар, одам контрабандаси ва одам савдоси, гиёҳванд моддалар ва қуролларни сотиш, кредит карталарини сохталаштириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, компьютер тизимларини бузиш, қасддан одам ўлдириш ва таълим олишга тўсқинлик қилиш ҳам ушбу жиноятга тенглаштирилди. Шунингдек, террористик ташкилотларнинг мурожаат ва баёнотларини матбуотда эълон қилиш, шунингдек уларнинг ғояларини тарғиб қилиш ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилди. Хусусан, қонунда босма оммавий ахборот воситалари учун катта миқдордаги жарималар ва улар фаолиятини 15 суткагача тўхтатиб қўйиш назарда тутилган.

Хитойда эса, терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни ташкил этиш борасида Интернет билан боғлиқ чекловлар жорий этилган. Хусусан, Интернет-кафеларда мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилган, шунингдек, Интернетда эълон қилинган ноқонуний материалларни аниқлайдиган Интернет полицияси (*норасмий “Интернет санитарлари” деб номланади*) фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Миллий гвардияси қўшинлари — бу давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган давлат ҳарбий ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ташкилотидир.

Мазкур тузилма қўриқлаш фаолиятини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, хавфсизликни таъминлаш бўйича комплекс вазифалар қўйилади. Ушбу вазифаларни бажариш юқори даражадаги тайёргарликни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони⁵ билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсиясида “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепсияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат”-деб, белгиланган⁶.

Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳар доим ҳокимият мафқурасининг муҳим қисми бўлиб қолади ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг муайян ҳолатларида юқори даражадаги ҳуқуқий билимга эга бўлишлари керак. Бунинг учун касбий юридик фаолият шундай ташкил этилиши керакки, у билан шуғулланувчилар учун янги ҳуқуқий кадрлар ва ҳуқуқий хулқ-атворнинг инсонпарвар моделларини узлуксиз идрок этиш ҳаётий заруратга айланиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонуни 28-моддасига мувофиқ, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўзига бириктирилган ўқ-отар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади⁷. Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органи бир қатор иш усулларини умумэтироф этилган ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолаганда, улар жиноятчига хос бўлган усулларга ўхшаш деб тан олинishi мумкин.

⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 29.11.2021 yildagi PF-27-son. <https://lex.uz/docs/-5749291>

⁶ O‘sha joyda.

⁷ O‘zbekiston Respublikasining Milliy gvardiyasi to‘g‘risidagi Qonuni // <https://lex.uz/uz/docs/5128310#5128719>

Мисол учун, жиноятларни очиш бўйича тезкор иш усулларини санаб ўтиш кифоя, хусусан: яширин кузатув ва разведка (“жосус” орқали керакли маълумотларни олиш), тезкор тадбир (ёлғон, дезинформация), ниқобланиш ва бошқалар.

Бу борада М.Строгович шундай ёзади: “Одил судловни амалга оширишда, суд процессида, суд, прокуратура ва тергов органлари фаолиятида ахлоқий меъёрларга энг қатъий риоя қилиш ва уларни тўғри қўллаш жуда катта аҳамиятга эга. ...суд томонидан жиноят ишларини тергов қилиш ва ҳал қилишда кўриладиган чора-тадбирлар нафақат қонунийлик талабларига, балки маънавий талабларига ҳам мос келиши керак. Суд, прокуратура ва тергов олдида турган ҳуқуқий ва маънавий мақсадга ҳуқуқий ва маънавий воситалар билан эришиш мумкин ва керак”⁸.

Давлат бошқаруви органлари юридик хизматларининг функционал вазифаларини инобатга олган ҳолда, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 13-декабрдаги ПҚ-4551-сон “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг айрим қоидалари алоҳида эътиборга лойиқ⁹.

Хусусан, мазкур Қарор муқаддимасида алоҳида қайд этиладики, “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали курашишни ҳамда бундай ҳолатнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантиришни талаб этмоқда”¹⁰. Бизнинг илмий тадқиқот учун ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг деярли барча қоидалари, шу жумладан Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури алоҳида кизиқиш уйғотади.

Тасдиқланган Дастурнинг асосий мақсадларидан бири сифатида Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, шунингдек жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказиш, ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахсларда Конституция ва қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш белгиланган¹¹.

Шу сабабли, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 2017-йил 7-декабрдаги 72-сессиясида қабул қилинган “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли резолюциясида миллий миқёсда давлатлар ўзларининг стратегия ва устуворликларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқ устуворлигини таъминлайдиган ва фаол

⁸ Строгович М.С. Избранные труды: В 3 т. Т. 2. Гарантии прав личности в уголовном судопроизводстве. М., 1992. – С.217.

⁹ Qarang: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 13-dekabrdaqi PQ-4551-son “Konstitutsiya va qonun ustuvorligini ta’minlash, bu borada jamoatchilik nazoratini kuchaytirish hamda jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, <https://lex.uz/ru/docs/4647329>.

¹⁰ Qarang: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 13-dekabrdaqi PQ-4551-son qarori muqaddimasi.

¹¹ Qarang: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 13-dekabrdaqi PQ-4551-son qarori 1-bandi.

равишда тарғиб этадиган идоралар фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурати қайд этилган.¹² Шу билан бирга, БМТнинг “Юристарлар ролига доир асосий принциплар”да ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда юристарнинг муҳим ўрни ва аҳамияти алоҳида эътироф этилган.¹³

Маълумки, Миллий гвардия тузилмаларида ҳуқуқшунос бўлмаган кадрлар билан бирга, юрист кадрлар салмоқли ўринга эга. Ўз навбатида, “юрист” атамаси немисча “jurist” сўздан келиб чиқади, у эса, ўз навбатида латинча “jus” (“juris”) сўздан олинган бўлиб, “ҳуқуқ, қонун” маъносини англатади. Бугунги кунда, жамиятда юристарнинг лавозими ва ихтисослигидан қатъи назар, ижтимоий мавқеи анча юқори.

Миллий ҳуқуқий тизим негизини қонун устуворлиги принципини эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (бундан кейин - Конституция) ташкил этади. Хусусан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширилиши қатъий белгиланган¹⁴. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ давлатда Конституция ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги энг муҳим механизмлардан бири — бу ижтимоий профилактика тизимининг самарали йўлга қўйилиши ҳисобланади.

Зеро, ҳуқуқий маданияти паст бўлган шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлади ёки жиноят қурбонига айланиш эҳтимоли юқори бўлади. Шундай экан, ҳуқуқий онгни шакллантириш ҳамда аҳолини ҳуқуқий йўналишда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий профилактика тадбирлари давлат сиёсати даражасида ҳуқуқий асосда мустақамланиши лозим.

Ана шу долзарб масаладан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот доирасида “ижтимоий профилактика тадбирлари”га қуйидаги илмий таърифни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Ижтимоий профилактика тадбирлари — бу ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар мажмуидир.

Бу каби тадбирлар фақат ҳуқуқий таълим эмас, балки инсонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, ҳуқуқий маданиятни тизимли шаклда мустақамлашга хизмат қилади. Ушбу тадбирларни самарали амалга оширишда эса жойлардаги масъул субъектлар алоҳида ўрин тутаяди.

Шу муносабат билан, “ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар”га қуйидаги таърифни илмий муомалага киритиш таклиф этилмоқда:

¹² Qarang.: БМТнинг “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли A/RES/72/119-сонли резолюциясининг 16-банди, <https://undocs.org/ru/A/RES/72/119>

¹³ Восьмой Конгресс Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Гавана, 27 августа – 7 сентября 1990 года: Қаранг.: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/role_lawyers.shtml.

¹⁴ Qarang: (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son), <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>

“Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — бу маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат, аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда масъул бўлган шахслар тоифасидир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2016-йилда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни такомиллаштиришнинг замонавий устувор йўналишларини белгилар экан “...Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир”, деб қатъий таъкидлади¹⁵. Шунингдек, давлат раҳбари жорий йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги қилган нутқида, “...Ҳуқумат қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур”¹⁶ деб алоҳида қайд этди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касб этикаси муаммоларини ўрганиш долзарблиги мамлакат раҳбариятининг кўплаб чиқишларида тасдиқланади. Жумладан, Ш.Мирзиёев ўз вақтида, “ГАИ ходимларига ҳам, умуман ички ишлар ходимларига ҳам, миллий гвардия ходимларига ҳам... Биламан, чарчаган улар ҳам, лекин бу масалага оқилона ёндашиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир одам билан «сиз» деб гаплашиши керак. Секин шу карантиндан чиқиб кетишимизга сизлар ҳам жуда катта маданият билан уларга муносабат билдиришларинг талаб этилади. Албатта талабнинг ичида маданият ҳам бўлиши керак. Одамларнинг шахсига тегмасдан, тушунтириш ишларини кучайтириб, маданиятни ҳам кўпайтирсак, мен ўйлайман бу тўғри бўлади” деган эдилар¹⁷.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979-йил 17-декабрдаги 34/169-сонли резолюсияси билан қабул қилинган, бор-йўғи саккиз модда ва унга изоҳдан иборат бўлган, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ахлоқий хулқ-атворининг энг муҳим жиҳатларини акс эттирувчи Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқ кодексини келтириш мумкин. Кодекснинг 2-моддасида шундай дейилган: “Ҳуқуқ-тартибот органлари мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида инсон кадр-қимматини ҳурмат қиладилар ва ҳимоя қиладилар, барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини тарғиб қиладилар ва муҳофаза қиладилар”¹⁸.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминлаш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда асосан Миллий гвардия ходимларининг (кейинги ўринларда Миллий гвардия ҳарбий хизматчи ва ходимлари назарда тутилади) ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Бугунги кунда, ИИБ билан биргаликда, айнан, Миллий гвардия фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатлари ҳамда мамлакатдаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашда

¹⁵ Qarang: Sh.M.Mirziyoyev, Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. // O'zbekiston Milliy axborot agentligi, <http://uza.uz>.

¹⁶ Qarang: O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi nutqi, <https://president.uz/uz/lists/view/3310>.

¹⁷ Мирзиёев Миллий гвардия ва ИИБ маданиятли бўлишга ўргатди // <https://uz.fergana.news/news/117634/>

¹⁸ Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. Принят Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 34/169 от 17 декабря 1979 г. // URL: <http://lib.babr.ru/index.php?book=1417>

асосий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифани бажариш жараёнида, Миллий гвардия фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мажбуриятларини амалга оширишлари учун шароит яратадилар.

Жамиятда инсонлар онгида ҳуқуқ бузилиш ҳолатларига нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш Миллий гвардия ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Айнан ушбу мезон Миллий гвардия ходимлари ҳақида кенг жамоатчилик орасида ижобий ижтимоий фикрнинг шаклланишга ҳамда бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ҳам мамлакатда ўрнатилган қонунларга сўзсиз итоат этилишининг қафили бўлади. Миллий гвардия тузилмалари ходимларида ҳуқуқий маданиятни шаклланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ходимларда ҳуқуққа ва қонунийликка бўлган ҳурмат ҳиссини орттиради.

Миллий гвардия тузилмалари учун қонунийлик – конституциявий принцип сифатида қонунларга, даставвал, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга сўзсиз риоя қилишни назарда тутди.

Миллий гвардия органлари ходимлари томонидан қонунийликнинг бузилишини бир қатор омиллари мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: ҳуқуқий маданият даражасининг юқори эмаслиги туфайли ходимларда мавжуд қонунчилик ҳужжатларини билмаслиги, ҳуқуққа нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиши, жамоада ҳуқуқий тарбиянинг нотўғри йўлга қўйилганлиги, Миллий гвардия органлари устидан амалга оширилиши лозим бўлган назоратнинг сусайганлиги, ходимларнинг ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолатларида жазоланмаслиги. Қонунийликни бузулишининг энг жиддий ва кўп такрорланадиган тури Миллий гвардия органлари ходимларининг мавжуд қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ ёки умуман билмасликларида намоён бўлади.

Бугунги кунда Миллий гвардия органлари ходимлари тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан ўз вақтида ва лозим миқдорда етарли даражада таъминланмаган. Шу билан бир қаторда Миллий гвардия тузилмалари ходимлари махсус юридик адабиётлар, қонунларга берилган шарҳлар, маъмурий ва жинойт қонунчилигини қўллаш амалиётлари билан тўлиқ танишмаганлигида намоён бўлади.

Шунинг учун, Миллий гвардия тузилмаларида ўтказилаётган хизмат тайёргарлиги машғулотларида ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида, биринчи навбатда ва доимий равишда мамлакатимиз қонунчилик тизимида юзага келган янгиликлардан бохабар қилиб бориш, улар учун етакчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда махсус ўқув машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида қонунийликка риоя қилиши, муайян ишни ҳал қилиш жараёнида асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиши, уларни амалга оширилиши фақат қонун доирасида ҳал қилиниши Миллий гвардия тузилмаларининг қанчалик даражада ҳуқуққа мос самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Миллий гвардия тузилмалари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг тўлиқ ва барқарор равишда амалга оширилишини таъминлайди, шу билан бир қаторда демократик жамиятда қонунийликни даражаси ва ҳолати ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ижобий кўрсаткичини намоён қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 22-апрелдаги ПҚ-5089-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг Интизом устави тасдиқланди¹⁹, бу Гвардия ходимининг онги ва виждонига қаратилган касбий ва маънавий қўлланма.

Хулоса қилиб айтганда, юксак ҳуқуқий маданият жамиятда қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали амалга оширилишини кафолатлайди. Миллий гвардия тузилмалари ходимлари учун бу тамойиллар доимий риоя қилиниши лозим бўлган қонунчилик ва ахлоқий меъёрлар билан уйғун ҳолда амалга оширилиши зарур.

Юқоридаги хорижий тажриба ва олимларнинг фикрини инобатга олиб қуйидаги назарий хулоса, таклиф ва тавсияларни келтириб ўтишимиз мумкин:

Биринчи, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва уни юксалтириш Миллий гвардия органларининг хизмат тайёргарлигида доимий равишда қонунчилик янгиликларини ўзлаштириш, ҳуқуқий амалиётни ўрганиш ва малака оширишни талаб қилади. Шунга мувофиқ, етакчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ҳуқуқий ўқув машғулоти ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида қонунийликка риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда юксак ҳуқуқий маданият асосида фаолият юритилади.

Иккинчи, Миллий гвардия ходимларининг интизом ва одоб-ахлоқ қоидалари уларнинг хизмат жамоаси, жамият ва шахсий виждони олдидаги маънавий жавобгарлигини белгилайди. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ходимлар нафақат интизомий, балки маънавий жавобгарликка ҳам тортилади. Бу тамойиллар ходимларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида масъулиятини янада кучайтиради.

¹⁹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 22.04.2021 yildagi PQ-5089-son // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 23.04.2021 y., 07/21/5089/0372-son.